



**Tadqiqot UZ**

**2019**

**28 ФЕВРАЛЬ  
ТОШКЕНТ**

**“XXI АСРДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚИЁТИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА  
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ” МАВЗУСИДАГИ  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯСИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Google**  
scholar

**Crossref**

**ORCID**  
Connecting Research  
and Researchers

**doi**

**“XXI АСРДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА  
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ”  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ONLINE  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ  
1-ҚИСМ**

---

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУЧНОГО ПРОГРЕССА  
В XXI ВЕКЕ И РОЛЬ ИННОВАЦИЙ В ЭТОМ  
ПРОЦЕССЕ  
ЧАСТЬ 1**

---

**PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENTIFIC  
PROGRESS IN THE TWENTY-FIRST CENTURY AND  
THE ROLE OF INNOVATION IN THIS PROCESS  
PART 1**

**Ташкент-2019**

---

---

УЎК 323(575.1)(063)

КБК 66.3(5У)я43

Й-18

**"XXI асрда илм -фан тараққийтининг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни" [Тошкент; 2019]**

"XXI асрда илм -фан тараққийтининг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни" мавзусидаги Республика-илмий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2019 йил. - Тошкент :Tadqiqot, 2019. - 303 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу тўпلامга Республика Олий таълим муассасаларида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчилар томонидан тайёрланган илмий мақолалар киритилган бўлиб, унда олий таълим тизимида илгор педагогик ва замонавий АКТнинг ўқув жараёнига талбиқ этилишидаги ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққийтининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган.

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.н., доцент.

1.Хуқуқий талқиқотлар йўналиши-

**Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)**

2.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар-

**Т.ф.л., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)**

3.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни-

**Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)**

4.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги талқиқотлар-

**Томбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)**

5.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар-

**Доцент Норматова Дилдора Ғосоналиевна(Фарғона давлат университети)**

6.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар-

**PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматулаевна (Тошкент Молия институти)**

7.Тарих саҳифаларидаги изланишлар-

**Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)**

8.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни-

**Доцент Урибобов Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)**

9.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар-

**Доцент Нормирзаев Абдуқамол Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)**

10.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши-

**Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)**

11.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -

**Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)**

12.Физика-математика фанлари ютуқлари-

**Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиев (Наманган муҳандислик-технология институти)**

13.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар-

**Phd, Доцент Қаҳҳоров Уктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)**

14.Кимё фанлари ютуқлари-

**Раҳмонова Доно Қаҳҳоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)**

15.Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши-

**Топтемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)**

16.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар-

**Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)**

Тўпلامга киритилган мақолалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

<b>Рахмонов Н.</b> Ўзбек шекарларини лингво-ареал йўналишида ўрганиш.....	100
<b>Mayliyeva G.</b> Dividing the classroom pupils into groups according to their level of knowledge.....	102
<b>Qurbonova D.</b> O'g'uz va q'irchoq shevalaridaba'zi fe'l shakllarining qo'llanilishi.....	104
<b>Ramazonova N.</b> Maktabgacha talim muassasalarida chet tillarini o'rgatish va uning ahamiyati.....	107
<b>Umarova S.</b> G'aybulla as-salom asarlarida so'z san'atining beqiyos o'rni.....	108
<b>Капогатова Н.</b> Зулфия лирикасида эпитет (сифатлаш) услуби.....	110
<b>Уринова Н.</b> Инновационные технологии обучения русскому языку как иностранного.....	113
<b>Ахмедов Б.</b> Реальностьный подход в обучении русскому языку учащихся узбекской школы.....	115
<b>Нуруллаева С.</b> Тура сулаймон шеррлариде мифологик образлар стилизацияси.....	117

#### ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

<b>Тухтаев Х., Зайниев А.</b> Таълим ва фалсафа уйғунлиги.....	120
<b>Ergashev B.</b> Ijtimoiy taraqqiyot- obyektiv zaruriyat.....	124
<b>Qodirov M.</b> Profayling metodining rivojlanish tarixi.....	127
<b>Нигматуллаев И.</b> Имом Ал-Бухорий асарларининг тарбиявий аҳамияти.....	129
<b>Ҳаққулов Н.</b> Аждоллар маданият мероси асосида фалсафий тафаккур маданиятини шакллантириш.....	131

#### ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ СОҲЛАРИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

<b>Ахмедова Ф., Султанова Л.</b> Таълим сифатини яхшилашдаги айрим масалалар.....	133
<b>Abduraxmanova N.</b> Ona tili talimi: muammo va yechim.....	137
<b>Jurayeva G.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida sinfdan tashqari mashg'ulotlarning ahamiyati.....	140
<b>Воймуродова С.</b> Informatika va axborot texnologiyalarini o'qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanis.....	142
<b>Абдулсатторов Ш., Караматдинова А.</b> Чет тилларини ўрганиш методикаси.....	144
<b>Ҷўмонова Х., Астаниев Э.</b> Ўқув лойиҳа методи – талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишдаги самарали ёндошув.....	147
<b>Olmonova D.</b> Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarni ijodiy tafakkurlashga o'rgatish asoslari.....	150
<b>Ibragimova D.</b> Mantiqiy metodlarning boshlang'ich sinflarda o'qish darsini tashkil etishdagi ahamiyati.....	153
<b>Bo'ronov N., Zokirova A.</b> Xorijiy tillarni o'qitishda innovatsion metod usullari.....	155
<b>Nazarov T., Nurulloyev L.</b> XXI asrda ilm-fan taraqqiyotining rivojlanish istiqbollari va ularda innovatsiyalarning tutgan o'rni.....	157
<b>Istamova R.</b> Ona tili darslarida interaktiv doskadan foydalanish usullari.....	159
<b>Xaydarov X., Ruziқulov I.</b> Qattiq jismlil lazerlar mavzusini klaster usuli yordamida darsni tushuntirish.....	161
<b>Raxmonova M.</b> O'qituvchining talabchan va adolati bo'lishi ta'lim tarbiyaning harakatlantiruvchi kuchidir.....	163
<b>Мансурова Ф.</b> Бошланғич синф ўқувчиларини танқидий фикрлашга ўргатишда инновацион методларнинг аҳамияти.....	165
<b>Xudayberdiev Sh., G'aniyeva SH.</b> Pedagogik-dasturiy vositalar yaratuvchi dasturlar taxlili.....	167
<b>Yuldasheva S., Jalilova U.</b> Fan va ta'lim taraqqiyot innovatsion yondashuv.....	170
<b>Rasulova Z.</b> Oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonlarini takomillashtirishda innovatsion yondashuvning o'ziga xosligi.....	172
<b>Murodov K.</b> Shaxs taraqqiyotida, o'z-o'zini anglash muammosi.....	175
<b>Jumaboyeva Z.</b> Ta'lim fan va ishlab chiqarishda integratsiya masalalariga doir.....	179
<b>Komilova Z.</b> O'smirlilik yoshidagi o'quvchilarda emotsional holatlarning o'ziga xosligi.....	180
<b>Qodirova S.</b> Boshlang'ich sinflarda xorijiy tilni o'rganish samaralidir.....	182
<b>Рахимов З.</b> Олий таълим жарағида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва танқидий тафаккурини ривожлантириш.....	183
<b>Salohiddinova N.</b> Ta'lim jarayonida fanlararo aloqadorlikning pedagogik-innovatsion asoslari.....	187
<b>To'libayeva G.</b> Abdullaoripov ijodida "vatan" mavzusining badiiy talqini.....	191
<b>Qoidasheva M., Majidova M.</b> Geografiya fani ta'limi jarayonini faollashtirishga yo'naldirilgan pedagogik texnologiyalar.....	194
<b>Khalikova M., Abdullayev Z.</b> Изучение иностранных языков с помощью массовых многопользовательских онлайн-ипр.....	196

## **ТўРА СУЛАЙМОН ШЕЪРЛАРИДА МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР СТИЛИЗАЦИЯСИ**

**Нуруллаева Сарвиноз,**  
БухДУ таянч докторанти

Тўра Сулаймон шеъриятининг образлар таркиби ранг-барангдир. Унда реал образлар билан бир қаторда мифологик образлар келтирилганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

**Шоир шеърларида учрайдиган мифологик образлардан бири Ҳаққушдир. Жумладан, шоирнинг "Илгитжо" шеърида Ҳаққуш образи қўлланилган шундай мисралар учрайди:**

*Баҳор келса, бошланур боғда булбул хониши,  
Саъва, қумри нағмаси, суралай товланиши,  
Қирларда лола сайли, қишлоқларда йил боши:  
Тўхтагай табиатдан Ҳаққушлар зорланиши  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.*

Ҳаққуш образидан шоир "Ўхшар" сарлавҳали шеърида ҳам фойдаланган:

*Ҳаққушга хатарсиз ошён муносиб,  
Кўклам қушларига чаман муносиб.  
Йигит-қизга аҳду паймон муносиб,  
Бусиз кўнгил зилу замбилга ўхшар.*

"Сулув" шеърида эса кўнгил изтиробини, мунгни ифодалаш мақсадида най билан параллел қўлайди:

*Субҳ елидан маст бўлиб  
Ҳаққуш сайрамоқдайди,  
Қайлардадир най саси...  
Кўнгил яйрамоқдайди .*

Ҳаққуш - узун оёқли қушлар туркумининг қарқаралар оиласига кирувчи парранда. У халқ орасида Ҳаққуш деб ҳам юритилади. Бу қушнинг келиб чиқиши инсон билан боғланади ва шуниси билан афсонавийлик касб этади.

**Барча шоирлар қатори Тўра Сулаймон ўз шеърларида пари образига алоҳида ўрин ажратган:**

*Баркамол ёшинг қутлуғ, ажаб қайрилма қош қиз,  
Соҳибжамолигинга ой билан кун талош қиз,  
Ўзи кўзи, ой юзи танда жонга туташ қиз,  
Жунун савдосин солма бу бошга париваш қиз .*

Шоирнинг "Сенингсиз" сарлавҳали шеърдан олинган юқоридаги парчада жунун, яъни телба билан париваш қиз образларининг ёнма-ён келтирилади.

эътиборни тортади. Фақат бунда фикр тўппадан-тўғри парига эмас, парига ўхшаган гўзал қизга қаратилмоқда.

Арабчадаги "малак", форс-тожикчадаги "фаришта" сўзлари ўзаро синоним бўлиб, ниҳоятда пок, гуноҳсиз, қанотлари бор, учиб юрувчи гўзал аёл, нозанин қиёфасидаги мифологик тимсол тушунчасини англатади.

Малак (фаришталар) сон-саноксиз бўлиб, ҳар бири маълум вазифани бажаради. Исломда ва бошқа баъзи динларда худонинг амрини бажарувчи гайритабиий мавжудот сифатида талқин қилинади.

Малак бир неча кўчма маъноларда қўлланади. Масалан, кўпинча яхши хулқ-атворга эга бўлган, гўзал, файзли, жозибали зийнатли, саранжом-саришта аёлларга ёки покиза, мусаффо қалбли инсонларга, беғуноҳ кишиларга ёхуд жойларга нисбатан фаришта, фариштаси бор жумлалари ишлатилади. Аксинча, ўзига жалб қиладиган фазилати, кўрки йўқ, хосиятсиз бўлса фариштаси йўқ деб кўрсатилади.

***Малак ҳолатида кўргандим сени,  
Қушлар қанотида кўргандим сени,  
Куйчи баётида кўргандим сени.  
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?***

Кўриняптики, шоирнинг "Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?" деб номланган шеърида "малак" баҳор фаслининг бетакрор гўзаллигини, унга хос тозариш ва покликни, беғуборликни сифатлаш мақсадида қўлланган. Бу ўринда малак образи тўппадан-тўғри стилизация қилинган эмас. Баҳорни жонлантириш ва сифатлаш учун малак образи метафоризация қилинган. Яъни баҳор малакка ўхшатилиб, шу ўхшашлик асосида малак белгилари баҳорга ташбеҳлантирилган.

Эътиборли томони шундаки, шоир бу метафоризация жараёнида халқнинг малак ҳақидаги мифологик тасаввур-тушунчаларидан йироқлашмаган. Шундан келиб чиқиб, шоир худди малак ҳолатидаги беғубор баҳорнинг қушлар каби қаноти борлигига, унинг асоси куйчилар яратган баётларда эканига ишора қилмоқда. Куйчи халқ орасида бахши, шоир маъноларини англатиши маълум.

***Бахт қуши топмиш кўналға шонли Туркистон айланиб -  
Ўз ҳолиға келмиш Турон замондин замон айланиб.  
Ҳазрати Хизр юрибди ҳур Ўзбекистон айланиб,  
Тугросига кўнмиш Ҳумо мустаҳкам Қўрғон айланиб,  
Чор атрофга зог йўлатмас Семурғ довон айланиб.  
Амир Темур руҳи шодмон иззатли Султон айланиб,  
Бу не бахтким, юрса Ҳудҳуд Тўра Сулаймон айланиб!***

Шоирнинг "Айланиб" шеъридан келтирилаётган ушбу мисраларда Бахт қуши номини олган Ҳумо, Семурғ образларига мурожаат қилинмоқда.

Ҳумо эзулик рамзи бўлган афсонавий қуш номи бўлиб, халқнинг ишонч-эътиқодига кўра, агар у кимнинг бошига кўнса ёки сояси тушса, ўша киши энг бахтли бўлади, давлат ва салтанатга эришади, деб қаралади. Шундан келиб чиқиб, эътиқод қилинган бу афсонавий қушни "бахт қуши, "давлат қуши" ҳам дейдилар.

Юқоридаги шеърда Ҳумо қуши образи орқали шонли Туркистонга яна қайта бахт инъом этган истиқлолдан шодланиш, руҳланиш, гурурланиш гоёси илгари сурилмоқда. Бугунги кунда ҳур Ўзбекистон заминиде яшаётган ҳар бир инсон худди бошига Ҳумо қуши кўнгандай ёхуд Ҳазрати Хизрга йўлиққандай, ўз орзу-истагига тез етишаётгани ёритилмоқда. Хизр арабча бўлиб, "яшилланмоқ, яшил тусга кирмоқ" маъносини билдиради. Исломий ривоятларда ҳаёт булоғидан "оби ҳаёт" ичиб, умри боқий бўлган тақводор шахс образини билдиради. Халқнинг ишонч-эътиқодига кўра, у оғир аҳволда қолган кишиларга чол, сувори ёки йўловчи кўринишида учраб, уларнинг мушкулини осон қилади.

Аждаҳо (аждар, аждарҳо) турли халқлар оғзаки ижодида қанотли, оғзидан ўт пуркайдиган икки ва ундан ортиқ бошли афсонавий махлуқ образи. Ёвузлик тимсоли саналади. Т.Сулаймон "Онаизор" шеърисида уруш ҳамма ёқни вайрон этиб, кул қилувчи, одамларни ҳалок этувчи даҳшат эканини кўрсатиш учун аждаҳо образи метафоризация қилинган:

*Аждаҳо мисол элга  
Баралла очиб оғиз,  
Уруш бошлаганида*

*Гитлер номли ялмоғиз,  
Олдинма-кейин кетди  
Уч ўғлим саллотликка .*

Ялмоғиз ямламай ютувчи афсонавий жодугар тимсоли бўлиб, шоир инсонлар бошига келтирган қулфати жиҳатидан Гитлерни унга тенглаштирмоқда.

Жаннат - мифологик топонимлардан бири. Аксарият замонавий шоирлар у орқали Ватан тимсолини ифода этишади. Бу борада Тўра Сулаймон ҳам шундай йўл тутгани кузатилади:

*Чиройда Тонг Юлдузи билан ёнма-ён ўлка,  
Ҳар бир тамал тошининг ўзи бир дoston ўлка,  
Кечмиши, кечирмиши дунёга аён ўлка,  
Жон фидо қилса арзир жаннат маконим менинг.*

Хуллас, Тўра Сулаймон кўпни кўрган ва билган шоир сифатида бадий жозибали шеърлар яратган. Унинг шеърлари образларга бойлиги, поэтик ифода воситаларининг ўзига хослиги билан эътиборни тортади.

---

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. ЎТИЛ. 2-жилд. - Т.: ЎзМЭ, 2006. - 672 б.
2. ЎТИЛ. 4-жилд. - Т.: ЎзМЭ, 2008. - 608 б.
3. ЎТИЛ. 5-жилд. - Т.: ЎзМЭ, 2008. - 592 б.
4. Сулаймон Т. Гулшан (Шеърлар, дostonлар). - Т.: Ф.Ғулом, 1988. - 100 б.
5. Сулаймон Т. Истар кўнгил (Шеърлар, дostonлар). - Т.: Ф.Ғулом, - 1984. - 222 б.